

# ЯШИЛ ТИКЛАНИШ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАСИ

## Қорақалпоғистон Республикаси учун Орол денгизи инқироzi оқибатларини бартараф этиш

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ва Глобал яшил ривожланиш институти (GGGI) томонидан молиялаштирилган **Орол денгизи ЯТИЛ** лойиҳаси табиий офатлардан энг кўп жабр кўрган туманлар жамоаларига иқлимга чидамли агробизнес моделлари орқали барқарор турмуш тарзини таъминлашга имкон берадиган ҳаётий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш

орқали Қорақалпоғистон вилоятининг яшил реабилитациясини қўллаб-қувватлайди. Ушбу лойиҳа Қорақалпоғистон Автоном Республикаси ҳукумати, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Давлат экология қўмитаси), Human Asia, Green Asia Network ва асосий давлат идоралари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

### МАҚСАДЛАР

**1- мақсад:** Қорақалпоғистонда табиий офат хавфини камайтирадиган, қишлоқда озиқ-овқат хавфсизлигини ва барқарор турмуш даражасини оширадиган ҳамда иқлимга чидамли қишлоқ хўжалиги ва агробизнес қиймат занжири орқали адолатли бандликни таъминловчи яшил реабилитация инвестиция режасини ишлаб чиқиш;


**2- мақсад:** Инсон хавфсизлиги ва агробизнеснинг хавф-хатарларни бошқариш бўйича долзарб эҳтиёжларини ҳал қилиш учун ишчи кучининг энг долзарб эҳтиёжларига жавоб бериш, соғлиқ, турмуш воситалари ва ишлаб чиқариш активларида офат билан боғлиқ таҳдидларга эътибор қаратиш;

**3- мақсад:** Қорақалпоғистон аграр иқтисодиётининг иқтисодий пойдеворини қайта қуриш учун яшовчан иқлимга чидамли агробизнес моделларини (ишлаб чиқаришдан қайта ишлашгача) намоиш этиш ва бизнесни ривожлантириш платформасини яратиш; ва

**4- мақсад:** Қорақалпоғистонда яшил/иқлим молиялаштиришни сафарбар қилиш ва молиявий институтлар Қорақалпоғистонда яшил МКЎК ривожланишини қўллаб қувватлаш учун салоҳиятини ошириш.

### МАҚСАДЛИ ҲУДУД

Лойиҳа тўртта туманда амалга оширилади:  
**Кегейли, Бозатау, Чимбай, Караузяк**



### Компонент 1

Қорақалпоғистон Республикаси ҳаётий барқарор ўсиш йўли учун сиёсат асосини таъминловчи “Яшил тикланиш сармояларини режалаштириш стратегияси” билан жиҳозланган.

#### БЕНЕФИЦИАРЛАР

Қорақалпоғистон аҳолиси  
(1,82 млн.)

### Компонент 2

Дехон ва хусусий фермерлар 4 та мақсадли туманда иқлим ва Орол денгизи фалокати хавфларига чидамлилигини оширди.

#### БЕНЕФИЦИАРЛАР

**Бевосита бенефициарлар:**

тахм. 28 307 киши

**Билвосита бенефициарлар:**

тахм. 113 307 киши

### Компонент 3

4 та мақсадли туманнинг маҳаллий тадбиркорлари иқлимга чидамли агробизнес моделлари (сув етишмовчилиги, энг юқори ҳароратлар ва чанг/туз бўрони хавфи) билан жиҳозланган.

#### БЕНЕФИЦИАРЛАР

**Бевосита бенефициарлар:**  
тахм. 1267 фермер ва МКЎК

**Билвосита бенефициарлар:**  
тахм. 1546 фермер ва МКЎК

### Компонент 4

Қорақалпоғистон бўйлаб муваффақиятли иқлимга чидамли қишлоқ хўжалиги МКЎК ва фермерлар тижорат банклари ва ҳукуматнинг яшил молиялаштириш маблағларидан фойдаланиш имкониятини яхшиладилар

#### БЕНЕФИЦИАРЛАР

**Бевосита бенефициарлар:**

Қорақалпоғистонда 500 та фермер ва МКЎК рўйхатга олинган